O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 94 (9.438) 2000 йил 9 август, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

## ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон судьялари ассоциациясининг ҳамкорлигида парламентимизнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Судьялар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрирда) лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги мажлисида Марказий банк лицензиясига эга бўлган айрим корхоналар фаолиятининг Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган валюта ресурсларидан истеъмол товарларини импорт қилиш учун фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори талабларига мувофиқлиги билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

● Шу йилнинг 19 август куни мамлакатимизнинг барча вилоят ва шаҳарларида Ўзбекистон Мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган «Мустақиллик, экология ва саломатлик» шиори остида «Экологик фестиваль—2000» тадбири ўтказилади.

● Самарқанд халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда «Соғлом авлод йили» — давлат дастури қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

● Ўн иккинчи Халқаро аэрокосмик мактаби машғулотлари якунланди. Унда нафақат мамлакатимиз, балки Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон сингари давлатлардан ҳам ёш фазогирлар қатнашди.

● Бухорода ўтказилган Миллий фильмлар III анъанавий республика кинофестивали ўз ишини якунлади.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида мусаввирлар Искандар Воҳидов ҳамда Турсунали Аҳмадалиевнинг Истиқлол байрамига бағишланган асарлар кўргазмаси очилди.

● Наманганда яна бир илмий-тиббий марказ ташкил этилди. Республикада қабул қилинган «Соғлом авлод» давлат дастурига мувофиқ бу ерда Тошкентдаги Акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институтининг филиали очилди.

● **Бугун** Ўзбекистон Миллий банкининг ўйингоҳида «Пахтакор-79» хотира турнири бошланади. («Пахтакор-79» хотира турнирига бағишланган махсус саҳифа материалларини газетанинг 4-бетида ўқийсиз).

### ЖАҲОНДА

● **Кеча** кечки соат 6лар чамасида Москва марказида жойлашган Пушкин майдонига олиб чиқувчи ер ости йўлида кучли портлаш рўй берди. Натижада 8 киши ҳаётдан кўз юмди, 50 дан ортиқ йўловчилар шифохоналарга ётқизилди, улардан 7 тасининг аҳволи оғир. Орадан бироз муддат ўтиб воқеа содир бўлган жойда бироз нарида яна бир портловчи қурилма топилиб зарарсизлантирилди. Портлаш сабаблари аниқланмоқда.

● АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг 30 август куни Колумбияга буюражак ташрифи асосан гиёвандлик ҳамда наркоманияга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган.

● Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ир Россия Президенти Владимир Путинга йўллаган мактубида, агар хорижий мамлакатлар КХДРга фазога сунъий йўлдош олиб чиқишда ёрдам кўрсатадиган бўлса, расмий Пхеньян ўзининг узоқ масофага учувчи ракеталар ишлаб чиқариш дастуридан воз кечишга тайёр эканлигини айтди.

● Қирғизистон ҳукумати олий ўқув юртлари ҳамда мактаблар учун дарсликлар чоп этишни йўлга қўйди.

● Франция фуқаро авиацияси хизмати раҳбарияти товушдан тез учувчи «Конкорд» самолётларининг парвози ҳозирча тикланмаслигини маълум қилди.

● Уругвай ҳарбий-денгиз кучлари вакилларининг маълум қилишича, Монтевидеодан 240 километр узоқликда Панама байроғи остида сузаётган юк кемаси билан Уругвай ҳарбий кемаси тўқнашиб кетган.

● Хитойнинг Цзянни вилояти кимёвий моддалар сақланадиган яширин омбор портлаши натижасида 21 киши ҳалок бўлди, 26 киши жароҳатланди.

● **Бугун** Японияниng Нагасаки шаҳри атом бомбардимонига 55 йил тўлди. Шаҳарда ҳар галгидек ҳалок бўлганларнинг хотира маросими бўлиб ўтмоқда.

● Беларуснинг Витебск шаҳрида бўлиб ўтган «Славян бозори» қўшиқ фестивалида 21 мамлакатдан вакиллар қатнашиб ўз маҳоратини намойиш этди. Фестивалда катта ёшли санъаткорлар билан бир қаторда 15 мамлакатдан келган ёш ижрочилар ҳам иштирок этишди. Улар орасида ўзбекистонлик Суҳробжон Кенжаев ҳам бор эди. У фестивалнинг энг юқори совринларидан бири — «Энг жарангли овоз соҳиби» мукофотига сазовор бўлди.

● ФИФАнинг навбатдаги йиғилишида футбол бўйича клублар ўртасида кечадиган II жаҳон чемпионати Испанияда ўтказилишини маълум қилди.

● Англиянинг «Сандерланд» клуби ҳимоячиси Кевин Филлипс премьерлигада киритган 30 та тўпи билан «Олтин бутси» соҳиби бўлди.




# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ





*Изҳор*

## ИФТИХОР

● Барно ТЎХТАЕВА,
педагог:

— Йигирма йилдирки, мактабда ёш авлодга тарих фанидан сабоқ бериб келяпман. Аммо, тан олиб айтишим мумкин, бундан атиги 10 йил муқаддам ўқувчиларга она юртимиз тарихи, ота-боболаримиз ҳақида ҳикоя қилувчи рўйи рост воқеалар ҳақида дарс бериш хаёлий орзу эди холос. Лекин бахтимизга истиқлол рўй бериб, энди-энди шогирдларимизга Ватанимиз тарихини, буюк аждодларимиз қолдирган бой меросни, очиғини айтганда миллий қадриятларимиз, ўзлигимиз акс этган воқеа-ҳодисаларни ўргатмоқдамиз. Шукрки, ҳозирги ёш авлод Амир Темур, Навоий, Бобур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Имом Бухорий каби боболари ўтмишда қандай улуғ ишларни амалга оширганликларини яхши биладилар. Бундай имкониятга биз Истиқлол туфайли эришдик десам асло муболаға бўлмас. Шу боис ҳам буюк неъмат бўлмиш Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрайлик.

● Мурод ИЛҲОМОВ,
хизматчи:

— Ёшликда қилинган орзу доим ҳам амалга ошавермас экан. Бунга баъзан жамиятдаги муҳит ёки вазият ҳам сабабчи бўларкан. Гапнинг индаллосини айтганда мен инглиз ва араб тилларини пухта ўрганиб, дипломатия соҳасида ишлашни орзу қилганман. Аммо собиқ совет тузуми бу орзуимнинг рўёбга чиқишига йўл қўймаган. Чунки у вақтда чет тилига эътибор берилмасди. Хуллас, ниятим амалга ошмади-ю аммо Истиқлол туфайли таълим соҳасида юз бераётган ютуқлардан руҳланиб кичик қизимни инглиз тилини мукаммал ўргатадиган лицейга ўқишга бердим, шояд фарзандим мен етишолмаган билим чўққиларини забт этса.

● Хайитбой МУҲИДДИНОВ,
меҳнат фахрийси:

— Дориломон кунларимиз, Истиқлолимиз, юртимиз барқарорлиги абадул-абад давом этсин дейман. Сабаби Мустақиллик жамият тараққиётининг бошқа жабҳалари қатори ўз-ўзини бошқариш органи бўлмиш маҳаллалар фаолиятининг жонланишига сабаб бўлди. Аслида ўзим кўп йил маҳалла оқсоқоли бўлиб ишлаганман, лекин собиқ тузум даврида аниқ режа асосида ишламасдик. Эндиликда маҳаллаларга катта эътибор ва ҳуқуқлар берилди. Демакки, бундан буён маҳалла аҳлининг ҳар қандай муаммосини аввал оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари ҳал қилишади. Бу ҳақиқатан ҳам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, фуқаролик жамияти сари қадам ташланганлигидан далолатдир. Ана шундай одилона сиёсат юритилар экан, албатта келажакда Ўзбекистонимиз гуллаб яшнайди.

*«Тошкент оқшоми» сўровномаси*



## ИСТИҚЛОЛИМ — ФАХРИМ, ШАРАФИМ!

**«Тошкент оқшоми» газетасининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган сўровномасига Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг директори, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб АҲМЕДОВ жавоб беради.**

**1. Мустақил Ўзбекистонимизда истиқлол йиллари рўй берган ўзгаришларнинг энг муҳимлари сизнингча нималарда намоён бўлмоқда?**

— Истиқлол — халқимиз ҳаётидаги энг улуғ, энг азиз байрам эканлигини айни кунларда ҳар биримиз юракдан ҳис қилмоқдамиз. Албатта Мустақиллигимиз осонликча қўлга киритилгани йўқ. Неча-неча улуғ зотларнинг, аждодларимизнинг тўкилган муқаддас қони, неча асрлик мустабид тузум, машаққатли курашлар, оғир заҳматлар эвазига қўлга киритилгани ҳаммамизга маълум. Халқимиз оғир синов йилларини бошидан кечирди. Бу ёруғ, дориломон кунларни орзу қилиб яшади, курашди, жон фидо қилди. Истиқлол қуёши мана 9 йилдирки, бошимиз узра нур сочмоқда. Қалбларимиз, ўй-фикрларимиз эркинликдан, очиқ фикрлашдан яйрамоқда, ижодимиз гуллаб - яшнамоқда.

Мен жуда кўп сафарларда, гастролларда бўлганман. Шу учрашувларни ҳозирги учрашувлар билан солиштираман. Халқимиз, хоҳ у оддий деҳқон, хоҳ оддий ишчи, ўқитувчи, шифокор, талаба бўлсин, у одамлардаги эркин фикрлаш, эркин сўзлаш, кўтаринки руҳни кўраман. Бу катта ўзгаришларни сезаман. Қувонарлиси, ёшлардаги ватанпарварлик туйғулари кучлилигини, мағрурлиги, фикрларининг тўлиқлигидан қувонаман.

Мен санъаткорман, мен ижодкорман. Санъаткор халқи замонага ҳамнафас, ҳамдард бўлиши, инсонларга эзгулик, зиё нурини тарқатувчи, ёш авлод тарбиясига маънан ҳисса қўшиши зарур деб ўйлайман. Мана шу бурчимиз, ҳақ-ҳуқуқимиз ҳозирги даврда мамлакатимиздаги туб бурилиш йилларида, янги замонга қадам қўяётган бир даврда яққол намоён бўлиши керак. Бу осон эмас, албатта. Инсонларга хос нуқсонлар, камчиликлар ҳар жойда учраб туради. Ҳали ҳам баъзи кишилар эски давр ўлчови билан яшашга ҳаракат қилади. Умумий гаплар, баландпарвоз шиорлар қобиғига ўралиб қолмоқда. Ваҳоланки, янгича яшаш, янгича ишлаш, ижод қилишдек Мустақиллик берган буюк неъматни эъзозлаш, қадрлашимиз зарур.

**2. Истиқлолнинг дастлабки йиллари, қолаверса, ўтиш даврининг ўзига хос мураккабликлари айни пайтда янги ҳаёт, озод жамият қуришнинг завқ-шавқи ҳам бор. Шу ҳақда нималар дея оласиз?**

— Тўққиз йил инсоният тарихи учун бир дақиқа. Лекин мана шу бир дақиқада биз яшаётган юртимизда бошқа мамлакатлар неча ўн йиллар кўтарилмаган чўққиларни эгалладик-ку, бизни жаҳон танидику. Ўтмишдаги буюк сиймоларимиз ижоди биз учун катта ҳаёт мактаби бўлди. Мана шу театрга асос солган, ҳақиқий санъатимиз фидойилари бўлмиш Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Обид Жалилов, Лутфихон ая, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳонов, Раззоқ Ҳамроев эҳе, уларнинг номларини жуда кўплаб келтириш мумкин. Бу санъатимиз осмонининг ёруғ юлдузлари, устозларимиз қолдирган олтин ва бой меросимиз билан фахрланамиз, уларнинг номларини қалбларимизда ҳурмат билан сақлаймиз, эъзозлаймиз. Бугунги истиқлол учун ана шу инсонлар эмасми, жон олиб, жон берган, санъатга умрини бахшида этган, шулар эмасми, бизга санъат нималигини, фидойилик нималигини ўргатган. Муқанна, Тўмарис, Алпомиш, Фарҳоду Мажнунларни танитган. Ҳа, улар билан ҳақли равишда фахрланамиз, уларнинг санъатини қадрлашимиз, ўқиб, ўрганишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Мана Мустақиллик туфайли кино-театрларимизга бўлган эътибор кучайди. Санъат, маданият соҳасида бир қанча ютуқларга эришилди. Кўплаб санъатимиз намояндалари ҳукуматимиз томонидан юксак мукофотлар билан тақдирланди, халқ ҳофизи унвонлари берилди. Йилдан йилга театр ва кино ижодкорлари сафи бойиб бормоқда, янги-янги қобилиятли ёшлар сафимизга қўшилмоқда. Ёш, иқтидорли актёрлар, қўшиқчилар, бастакорлар, режиссёрлар халқимиз орасида тезда танилиб бормоқда. Бундан фахрланамиз, қувонамиз албатта. Булар бари Истиқлол шарофатидан.

**3. Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги айёмига жамоангиз, шахсан ўзингиз қандай натижалар билан бораяпсизлар? Келгуси режаларингиз.**

— Ҳамза театри отахон театрлардан ҳисобланади. Бу қутлуғ даргоҳда не-не улуғ инсонлар меҳнат қилиб, заҳмат чекиб, халқимиз меҳрини, муҳаббатини қозондилар. Энг зўр, энг таниқли санъаткорлар шу даргоҳда ижод қилдилар ва ҳозир ҳам уларнинг давомчилари меҳнат қилмоқдалар. Агар 9 йил олдинги давр билан ҳозирги театрни таққосласам, ҳозир театрда эркин, ижодий руҳ пайдо бўлган. Шундай асарлар қўйиляптики, шу асарлар орқали инсонларнинг онгига таъсир қилиб, ватанга меҳр-муҳаббат уйғотиш, яна қайтариб айтаман, Мустақиллигимиз қадрига етиш сингари ҳислатларни ҳар бир томошабин қалбига етказиш. Хоҳ у комедия бўлсин, хоҳ драма, хоҳ фожиали спектакллар бўлсин — кишиларни эзгуликка, яхшиликка чорлашга ҳаракат қиламиз. Театрда асосан бир нарсага кўпроқ аҳамият берамиз. У ҳам бўлса, ўзбек миллий асарларимиз, ўзбек драматург ёзувчиларимиз асарларини намойиш қилиш. Кўпроқ миллийлик, шарқона урф-одатларимизни халққа етказиш ниятидамиз. Агар илгари Мустақилликдан олдин шундай асарлар қўйилса, бошимизга тўқмоқ уриларди, сен миллатчисан, ўзингни улуғлайсан, деган гаплар бўларди. Мана ҳозирги кунда бундай гаплар йўқ. Репертуаримиз бой ва ранг-баранг. Ҳар бир миллат орзу қиладиган, орзу қилса арзийдиган улуғ ва буюк сиймоларимиз ҳаётини акс эттирувчи спектакллар мавжуд. Булар «Соҳибқирон Амир Темур», «Ал Фарғоний», «Ҳазрат Алишер Навоий», «Бобур Мирзо» сингари спектакллар, Чўлпон, Фитрат ва бошқа замондошларимиз асарлари саҳнамиз юзини кўрмоқда. Шу жумладан Усмон Носир ҳақида янги спектаклнинг премьерасини тайёрлаяпмиз. Хуллас, театр замон билан мос қадам ташлашига, янги-янги халқ севиб томоша қиладиган гўзал спектакллар яратишга ҳаракат қиляпмиз.

Фаровон турмушимиз, порлоқ келажагимиз ўз қўлимизда экан, уни авайлаш, қадрлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТОЖИКИСТОН БИЛАН ЧЕГАРА ҲУДУДИДА СОДИР БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Шу йил август ойининг бошларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига Тожикистоннинг Сурхондарё вилоятига чегарадош ҳудудларда босқинчи террорчилар гуруҳларининг Сариосиё ва Узун туманларининг ўтиш қийин бўлган тоғли ҳудудларида ўрнашиб олиш мақсадида тўпланаётгани тўғрисидаги хабарлар кела бошлади.

Мазкур хабарлар қайта текшириш жараёнида тасдиқланди. Тожикистон ҳудудидан кириб келаётган ушбу террорчи гуруҳларнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўпорувчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва амалга ошириш, наркотик ва қурол-яроғларни олиб ўтиш йўлларини очиш учун Ўзбекистоннинг чегара туманларида ўтиш базалари, қурол-яроғ, ўқ-дори ва озиқ-овқат омборларини ташкил этишдан иборат бўлган.

Босқинчилар гуруҳлари бунда ўтиш қийин бўлган, шароити мураккаб тоғли жойлар, 4000 метр баландликдаги довонлар, даралар ва табиий ғорлардан фойдаланган. Мазкур ҳудудларда аҳоли жуда сийрак жойлашган бўлиб, айрим тоғ қишлоқларида 15 дан 30 тагача оила истиқомат қилади.

Тоғ сўқмоқлари контрабандачилар ва наркотик моддалар билан савдо қилувчилар томонидан олдиндан ўзлаштирилган, қурол-яроғ заҳиралари яратилган.

Босқинчилар гуруҳлари тахминан 70-100 кишидан иборат бўлиб, улар олинган аниқ маълумотлар, шунингдек радио хабарларига кўра, Афғонистон ҳудудидаги қўпорувчилик марказларида ҳар томонлама тайёргарликдан ўтган. Босқинчилар замонавий қурол-яроғлар, мерганлик қуроллари, тунда кўриш асбоблари ва гранотометлар билан яхши таъминланган.

Қайта текширув талаб этиладиган маълумотларга кўра, Тожикистондаги муайян кучлар ушбу босқинчилар гуруҳларининг Ўзбекистон ҳудудига ўтиши учун шарт-шароит яратиб берган.

Ҳозирги пайтда Тожикистон Республикасининг ҳарбий тузилмалари билан биргаликда ушбу босқинчилар гуруҳлари қуршаб олинган. Уларни йўқ қилиб ташлаш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг чегара қўшинлари, шунингдек, Ички қўшинлар ва Мудофаа вазирлиги булинмалари жалб этилган.

Тинч аҳоли қуршаб олинган ҳудуддан олиб чиқилди. Аҳоли ўртасида қурбонлар йўқ. Ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳалок бўлганлар бор.

**(ЎзА).**

## ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛАШТИРИЛАДИ

Хабар қилинганидек, август ойининг бошларида Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош тоғли ҳудудларида нотинч вазият вужудга келди. Юзга яқин террорчи Тожикистон орқали Ўзбекистон ҳудудига бостириб кириш учун тўплана бошлади. Хабарларга кўра, босқинчилар Афғонистонда махсус тайёргарлик машқларини ўтаган. Уларнинг мақсади юртимизда қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш, наркотик ва қурол-яроғ олиб ўтиш учун йўл очиш, шу билан нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорликка путур етказишдан иборат.

Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида мазкур воқеа муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов ва ташқи ишлар вазири А. Комилов қатнашди.

Анжуманда таъкидланганидек, айни чоғда террорчи гуруҳлар Ўзбекистон ҳарбийлари томонидан қуршаб олинган. Босқинчиларни йўқотишда Тожикистон чегарачилари ҳам уларга яқиндан кўмак бераяпти.

Ҳаракатланиш қийин бўлган тоғли ҳудудларда террорчиларга қарши курашиш осон эмас. Шунга қарамай, жангариларнинг даралар ва табиий ғорларда писиб юриши узоққа чўзилмайди. Таъкидланганидек, улар қуршовга олинган. Босқинчи тўдаларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Чегара қўшинлари, Ички қўшинлари, шунингдек, Мудофаа вазирлиги бўлинмалари жалб этилган. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири шуни таъкидлар экан, жангарилар тез орада бутунлай йўқотилади ва вазият барқарорлаштирилади, деди.

**(ЎзА).**









# ИСТИҚБОЛ САРИ

**Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги муносабати билан пойтахтимиз туманларида ҳам қизғин тайёргарлик ишлари авж олди. Айниқса, иқтисодиёт, қурилиш, ободонлаштириш, маиший хизмат, транспорт, фан ва маданиятни ривожлантириш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Биз Соғлом авлод йилида қилинаётган ана шу ишлар кўлами хусусида Сергели тумани мутасаддилари билан суҳбатлашдик.**

— Маълумки, Сергели тумани пойтахт марказидан бироз олисда. Аммо барча соҳаларда салмоқли ютуқларга эришаяпмиз, десам хато бўлмайди, — дейди туман ҳокими Мидхат Йўлдошев. — Биз ўтган йилларда ҳам, мазкур Соғлом авлод йилида ҳам туман аҳлининг ижтимоий шароитини янада яхшилаш, иқтисодий кўрсаткичларни ошириш, маданий, маърифий ва соғломлаштириш борасидаги ишларни кенг йўлга қўйиб келаяпмиз. Давр талаби асосида иш юритиб, мавжуд корхоналар ишлаб чиқариш қувватларини ошира бориб, ички бозоримизни тўлдириш ишига салмоқли ҳисса қўшишга эришаяпмиз.

Туманимиздаги мавжуд 52 та саноат корхонасида йил бошидан бери 6124,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 108 фоизни ташкил этди. Шу жумладан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 2649,3 миллион сўмга етиб, бу соҳада ҳам ўсиш суръати 109 фоизга етди.

Чет эллик тадбиркорлар билан ҳамкорликда иш юритиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш иқтисодиётимизни ривожлантиришда жуда муҳимдир. Шунинг учун бу соҳага алоҳида эътибор бериляпти. Натижада ҳозиргача туманимизда 58 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Улар Греция, Англия, Америка Қўшма Штатлари, Корея ва бошқа мамлакатлар ишбилармон тадбиркорлари билан тузилган. Бу корхоналарнинг 13 таси халқ истеъмоли буюмлари ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаради, 3 таси транспорт хизмати билан шуғулланмоқда. Қолганлари эса бошқа соҳалар билан банд. Масалан, «Тролза-Авиаз» троллейбусларни таъмирлаш билан, «Ўз-Эллас» маиший гугурт, «Омад-Пласт» эса кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан машғулдирлар. Яна шуниси аҳамиятга моликки, 6 та корхонамиз чет эл инвестициясига эга бўлиб, улар экспортга маҳсулот чиқариш имкониятига ҳам эга. Айниқса, «Авиализинг», «Трансконтиненталь», «Интер Карго Сервис» қўшма корхоналари авиа хизматларини экспорт қилишда бошқаларга намуна бўлмоқда.

Бундан ташқари Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган қадоқловчи картон маҳсулотлари тайёрлайдиган «ДЭК ПЭК Ко... ЛТД» чет эл корхонаси ҳам туманимиздан жой олган. 43 нафар ишчи меҳнат қиладиган бу корхонада бир смена давомида 30 минг квадрат метр турли ҳажмдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

**● Носир АЗИЗОВ,**
**туман ҳудудий тиббий бирлашмаси бош шифокори:**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилди. Шу боисдан бирлашмамизда ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Тиббий бирлашмамиз 158 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Ҳозирги кунда туман ҳудудий тиббий бирлашмасида 2-бирлашган шаҳар касалхонаси, 1-туғруқ комплекси, 11-, 37-, 50-оилавий поликлиникалар, тери-таносил диспансери фаолият кўрсатмоқда. Бу муассасаларимизда 404 та шифокор ва 788 нафар ҳамширалар юрт соғлиғи йўлида меҳнат қилишаётир.

Миллатнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, туғма ногиронликнинг олдини олиш мақсадида гиёвандлик, ичкиликбозлик, чекишнинг зарарли томонлари ҳақида аҳоли ўртасида тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилган. Айниқса, соғлом оилани шакллантириш мақсадида туман ФҲДЁси бўлими қошида келишилган ҳолда «Ёш оила» мактаби ҳамда муассасамиз қошида ёш оилалар патронажи ташкил этилди. Буларда ёш оилаларни ҳаётга тайёрлаш билан бир қаторда асосий эътибор ёш болали, ҳомиладор аёлларга уй шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда санитария-гигиена, соғломлаштириш ва профилактика ишларини олиб боришга қаратилган. Мана шу тузилган режаларнинг амалга оширилиши натижасида эмизикли ва янги туғилган болалар хасталикларининг олди олинмоқда. Бундан ташқари қайнона, қайноталар, келин-куёвлар ўртасида соғлом авлодларга эга бўлишда, оиладаги соғлом муҳитнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини тушунтириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Зеро, соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилади, деб бежиз айтилмаган.

Соғлом авлод йили муносабати билан 37-Оилавий поликлиниканинг болалар бўлими шохобчаси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бу шохобча Сергели-5 даҳасидаги 8300 болага биринчи тиббий ёрдам кўрсатади. Бу ерда 7 нафар болалар шифокори, 19 ҳамшира ва бошқа ходимлар меҳнат қилади.

1-туғруқ мажмуимизда ҳам ҳомиладор ва туғишга тайёрланаётган аёллар учун ҳам барча шароитлар яратиляпти. Айниқса, замонавий тиббий ускуна — «Барокамера»нинг шифобахш хусусияти кўплаб ёш оналарда амалда сезилди. Унинг ёрдамида ҳали туғилмаган чақалоқ учун ҳам нафас олиш, ҳаракатланиш ҳолатларига яқиндан ёрдам кўрсатилади. Мана шу муассасанинг физиологик туғруқ бўлимида «Ёш оналар мактаби» ташкил этилиб, унда бўлим мудири, шифокор гинеколог — Гулузра Камолова биринчи фарзанд кўраётган оналарга чақалоқ парвариши, уларни йўргаклаш, санитария-гигиена ҳолатларига аҳамият бериш ҳақида маслаҳатлар бериб боради.

Туманимиз аҳолисига марказий маслаҳат-ташхис поликлиникамизда кўрсатилаётган консультатив ёрдамдан ташқари «Ўзгариш», «Қурувчи» оилавий шифокор амбулаториялари ҳам бириктирилиб, касалликларни тезкор аниқлашда бу жуда қўл келмоқда.

**● Содиқ АЛИМОВ,**
**туман ҳокими ўринбосари:**

— Туманимизда 33 та маҳалла, 28 та мактаб, 46 та боғча, 3 та коллеж, 3 та ҳунар-техника билим юрти, 2 та техникум жой олган. Мустақилликка эришганимиздан буён аҳолини турмуш фаровонлигини ошириш, саломатлигини яхшилаш, маданий-маърифий билимини ошириш, оммавий спортни ривожлантириш борасида талайгина ишлар қилинди. Ана шулардан бири — коммунал хизмат борасида тўхталадиган бўлсак, бунёд этилган кўп қаватли уйларда коммунал хизматни яхши ташкил этиш кенг йўлга қўйилди. Ҳозир туманимизда 9 та ширкат тузилди. Бу ширкатлар аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш, йўлакларни таъмирлаш, уйларнинг ички ва ташқи қиёфасини яхши тутиш, ертўла, томларнинг қуруқ ва соз бўлишини таъминламоқда.

Келажак авлоднинг ҳар томонлама етук ва баркамол ўсишида туман халқ таълими бўлими мутасаддиларининг алоҳида ҳиссалари бор. Улар зиммасида соғлом авлодни тарбиялаш, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаётий ўринга эга бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш вазифаси турибди. Шу боис барча халқ таълими ходимлари «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида қабул қилинган қатор меъёрий ҳужжатларга таяниб иш юритишмоқда. Самарали меҳнатлар натижаси шаҳримизда туманлараро ўтказилган фан олимпиадалари бўйича 1999-2000 ўқув йилида совринли 3-ўринни эгаллашди.

Туман маданият ишлари бўлими томонидан Соғлом авлод йилида ўзига хос режалар белгиланиб, унинг асосида турли тадбирлар ўтказилиб борилмоқда. Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, соғлиқни сақлаш, спорт, «Камолот» ёшлар жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, хотин-қизлар бўлими ва бошқа ташкилот, муассасалар ҳамкорликда Усмон Носир ва «Янги Сергели» маданият ва истироҳат боғида турли хилдаги, яъни, «Соғлом аёл — ҳаёт чироғи», «Марҳабо янги кун — ловуллаган ҳис», «Кулинг, умрингиз узаяди», «Соғлом авлод — соғлом келажак» каби тадбирлар ўтказилди. Унда туман аҳли — барча катта-кичик мириқиб маданий ҳордиқ чиқардилар.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида ҳам туманимизда кенг имкониятлар мавжуд. Ҳозирги кунда туман аҳли учун 2 та соғломлаштириш спорт мажмуаси, 16 та спорт зали, 4 та сузиш ҳавзаси, 3 та болалар ва ўсмирлар спорт клуби, 21 та футбол майдони, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 3 та соғломлаштириш спорт марказлари ишлаб турибди. Баҳор ва ёз ойларида турли хил спорт ўйинлари, туман ҳокимининг кубоги учун футбол мусобақаси, шунингдек «Чарм тўп», «Қувноқ стартлар», «Маҳалла болалари» оммавий спорт мусобақалари ўтказиб турилади. Тошкент маҳаллалари ўртасида ўтказиладиган «Саломатлик ва бирдамлик» спартакиадасида фаол иштирок этиш учун катта ҳозирлик кўрилмоқда.

Тумандаги барча ташкилот, корхона, муассаса, маҳалла ва ҳар бир хонадон тобора яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 9 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олишга интилиб яшашмоқда ва меҳнат қилишмоқда.

**Гулзода МАМБЕТОВА.**

**СУРАТЛАРДА: Сергели туманида ишлаб чиқариш, қурилиш, саломатлик, халқ таълими борасида амалга оширилаётган ишлардан лавҳалар.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**





*Ҳуқуқ*

# ТАДБИРКОРЛАР АСОССИЗ ТЕКШИРИШЛАРДАН ҲИМОЯЛАНМОҚДА

Маълумки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги, 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида Кичик ва хусусий тадбиркорлик ва хўжалик субъектларининг ривожланишида тўсиқлар пайдо бўлаётганлиги тўғрисида бир неча бор таъкидлаб ўтганди.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг 2000 йил 28 мартдаги 31-сонли буйруғи билан тадбиркорларни мансабдор шахсларнинг турли тазйиқлари ва суиистеъмолликларидан ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими ташкил қилинди. Шу кундан бошлаб бу бўлим фаолият кўрсатиб келмоқда.

Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига, унинг иқтисодиётнинг энг муҳим истиқболи бўлиб етишишига, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишга, уларнинг ишчанлик фаолиятини оширишга, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кенг йўл очилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни бу борада Парламентимиз ва Президентимиз томонидан амалда қилинаётган ишларнинг далил - исботидир. Мазкур Қонунга кўра тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари батафсил баён этилган. Жумладан, Қонуннинг 34-моддасида қайд қилинганидек, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига ҳақли эмас. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний фаолиятига аралашиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас, деб кўрсатилган.

Ушбу Қонуннинг 39-моддасида эса тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ режали тартибда, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан йилига бир марта амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган. Ўтказилаётган текширишлар тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб боришига тўсқинлик келтириб чиқармаслиги лозимлиги қайд қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг «кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги 57-сонли қарорига асосан хусусий тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида уларнинг манфаатларини кўзлаб, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича Адлия бошқармаси туман судларига даъво аризалар киритиш ишларини давом эттирмоқда.

Тошкент шаҳар «Олой» бозорида жойлашган, хусусий тадбиркорлар В. Ниғматова, М. Умарова ва О. Халиловалар савдо қилаётган дўконда туман ДСИ ходимлари З. Шералиева ҳамда М. Ҳакимовлар томонидан савдо қоидалари бажарилиши юзасидан текширув ўтказилган ва текширув далолатномасига биноан 22 турдаги, 2189 дона 447058 сўмлик ўқув қуролларининг сифат сертификати йўқлиги важ қилиниб, уларнинг товарлари олиб қўйилиб, тадбиркорларнинг дўкони муҳрлаб кетилган. Текширув натижалари юзасидан хусусий тадбиркорлар В. Ниғматова, М. Умарова ва О. Халиловаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 166-моддаси 1-қисми билан маъмурий иш қўзғатилиб, мазмунан кўриб чиқиш учун туман судига юборилган. Мазкур маъмурий ишлар туман суди судьяси томонидан кўриб чиқилиб, тадбиркорларнинг ҳар бирига 5250 сўмдан жарима ҳамда далилий ашё бўлган 447058 сўмлик ўқув қуролларини давлат фойдасига мусодара этиш жазолари тайинланган.

Туман судининг қароридан норози бўлган тадбиркорлар В.Ниғматова, М.Умарова ва О.Халиловаларнинг хусусий шикоятлари туман суди раиси томонидан кўриб чиқилиб, судга тақдим этилган «Тошкент минтақавий стандартлаш, метрология ва сертификатлаш маркази» директорининг далилий ашё сифатида олиб қўйилган ўқув қуроллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 августдаги 409-сонли қарори билан тасдиқланган «Мажбурий равишда сертификатлаштириладиган маҳсулотлар рўйхати»га киритилмаганлиги ҳақидаги хатига асосланиб, тадбиркорларнинг ҳаракатларида қонунбузарлик аломатлари йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 271-моддасининг 1-бандига кўра маъмурий ишлар тугалланиб, 447058 сўмлик ўқув қуроллари уларга қайтариб берилган.

Тадбиркорлар В.Ниғматова, М.Умарова ва О.Халиловалар туман ДСИ томонидан ўтказилган текширув жараёнида З.Шералиева ҳамда М.Ҳакимовларга ўқув қуроллари республика ички бозорларидан сотиб олинганлиги ва бунда сифат сертификатлари олинмаслигини таъкидлаган бўлишса-да, солиқ инспекцияси ходимлари уларни инобатга олмай, асоссиз равишда далолатнома тузишиб, уларга нисбатан маъмурий ишлар туман судига юборилган. Шу сабабли туман ДСИ ходимлари З.Шералиева ва М.Ҳакимовларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида хусусий тадбиркорлар В.Ниғматова, М.Умарова ва О.Халиловаларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказилган деб топилиб, уларга 2 ойдан ортиқ вақт мобайнида тадбиркорлик билан шуғулланмаганлиги оқибатида, солиқ ва суд идораларига узоқ вақт қатнаганликлари натижасида моддий зарар кўрганлиги учун 399 минг сўм маънавий зарар кўрганлиги учун 300 минг сўмни айбдор шахслардан ундириш ҳақида туман судига даъво аризалари киритилди. Юнусобод туман судининг 2000 йил 16 июнь кунидаги ҳал қилувчи қарорига асосан мазкур даъво аризалари қаноатлантирилиб, хусусий тадбиркорлар фойдасига З.Шералиева ва М.Ҳакимовлардан 399 минг сўм моддий ва 300 минг сўм маънавий зарарлар солидар тартибда ундириш белгиланган.

Шунингдек, Адлия бошқармаси томонидан тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида улар билан доимий равишда учрашувлар ўтказиб борилмоқда. Тошкент шаҳрининг Бектемир, Сирғали, Юнусобод, Яккасарой, Шайхонтоҳур, С.Раҳимов туманларида 2000 йилнинг июнь ойида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш масаласига бағишланган йиғилишлар ўтказилди. Йиғилишда туман ҳокимлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, шаҳар ва туман солиқ идоралари ходимлари, банк тизими мутахассислари, шаҳар ва туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раислари, Тошкент шаҳар хўжалик суди судьялари, Адлия вазирлиги мутахассислари, нотариал идора раҳбарлари, туман фуқаролар йиғини оқсоқоллари фаол иштирок этишиб, тадбиркорларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

Шаҳар Адлия бошқармасининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими томонидан 2000 йил 17 апрелидан 30 июнига қадар 162-92-42 рақамли «Ишонч телефони» орқали кўплаб тадбиркорлардан ахборотлар қабул қилинди, уларнинг барча мурожаатлари бўйича телефон орқали батафсил тушунтиришлар ҳамда тегишли ҳуқуқий ёрдамлар берилди. Телефон орқали тадбиркор Р.Ёқубов, Акмал Икромов туман нотариал идораси томонидан микрокредит олиш учун зарур бўлган қарз шартномасини расмийлаштириш масаласини пайсалга солинаётганлиги ҳақида мурожаат қилганидан сўнг унга тегишли ҳуқуқий ёрдам берилиб, мурожаат ижобий ҳал этилди.

Ҳозирги кунда бўлимдаги «Ишонч телефони» ҳар куни соат 9 дан 18 гача ишлайди, унда тажрибали мутахассислар тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам бериб келмоқда. Тадбиркорларнинг қонуний манфаатларига зарар етказилганлиги аниқланган тақдирда уларни дарҳол бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Бундан ташқари Адлия бошқармаси тадбиркорларни асоссиз текширишлардан ҳимоялаш бўйича шаҳар ва туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари билан биргаликда Адлия вазирлиги томонидан жорий қилинган «текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни тарқатиш кенг тарғиб этилиб, у шаҳардаги фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига етказилмоқда. Бу борада ишлар давом этмоқда. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган барча хусусий тадбиркорларга «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»га эга бўлишларини зарур деб ҳисоблаймиз, чунки бу китоб уларни мансабдор шахсларнинг ноқонуний текширувларидан ҳимоя қилиш воситасидир.

**Одилжон АЛЛАЕВ,**
**Неъматжон АКБАРОВ,**
**Маҳмуд РАҲМОНОВ,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси мутахассислари.**

*Анжуманлар*

# ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Акмал Икромов тумани ҳокимлигида Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги бўлиб ўтган йиғилишида жумладан, жамиятимизда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи долзарб эканлиги, ҳар соҳада маънавий-маърифий ишларни янада яхшилаш, аввало раҳбар маънавиятини юксалтириш, кадрлар масаласига жиддий эътибор бериш, жойларда Президентимиз ва ҳукуматимиз қарорларининг кенг тарғиб қилинишига эътиборни қаратиш лозимлиги ҳақида туман ҳокими А. Маҳмудов тўхталиб ўтди.

Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами арафасида турган Ўзбекистонимизнинг кўп йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги, унинг жаҳонга юз тутишида иқтисодиётда, ижтимоий ҳаётда, маънавият ва маърифат соҳаларида эришилган ютуқларни фахр билан тилга олса арзигулик эканлиги таъкидланди. Туман аҳолиси, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, уларни оилага, маҳалласига, Ватанига муҳаббат, ўзлигини англашга, аждодларимиз маданий меросларига ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Камолот», «Нуроний» жамғармаларининг ҳамкорликдаги иш фаолияти сезиларли натижалар бераётгани, ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда ўтказилган 100 га яқин мавзулардаги маънавият ва маърифатга оид суҳбатлар, учрашувларнинг таъсирчанлигини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда ҳар чоракда Маънавият ва маърифат кенгашининг жойларда олиб борган ишлари, қўлга киритган ютуқ ва камчиликлари юзасидан ҳисобот бериб боришга келишилди.

**Сайёра МУҲАММАДЖОНОВА.**

